

ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

(Турли системадаги тиллар мисолида)

Умарова Зилола Ўлмасбоевна

АДУ, Филология факультети тьютори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7187705>

Аннотация: Ушбу мақолада турли тиллардан олинган фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятлари қиёсий аспектда ўрганилган. Хусусан, ўзбек тили фраземаларининг миллий ўзига хослиги бевосита ўзбек халқининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини кўрсатиб берадиган, ўзбек халқига хос характер, хислатларнинг ифодаланиши, ҳамда адабий-бадиий тилда акс этиши ёритилган.

Калит сўзлар: фразеологизм, лингвомаданий хусусиятлар, лингвокультурология, прагматик, когнитив, қиёсий-типологик

ФРАЗОВОЕ ОБУЧЕНИЕ ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ

(На примере языков в разных системах)

Аннотация: В данной статье в сопоставительном аспекте изучаются лингвокультурологические особенности фразеологизмов разных языков. В частности, национальная специфика словосочетаний узбекского языка, прямо свидетельствующих о социально-экономической, культурно-бытовой жизни узбекского народа, выражение характера и особенностей узбекского народа, их отражение в литературно-художественном языке, выделены.

Ключевые слова: фразеологизм, лингвокультурологические особенности, лингвокультурология, прагматический, когнитивный, сравнительно-типологический.

КИРИШ

Тилшуносликда шундай ҳодисалар мавжудки, улар турли ёндашувлар асосида тадқиқ этилса ҳам, маълум жиҳатлари сирлигича қолаверади. Чунки улар тил системасида яшар экан, уларнинг систем-структур табиати ягона тадқиқот орқали очиб берилиши мумкин, лекин нутқдаги чексиз “товланишлари”, прагматик, когнитив, лингвокультурологик қирралари алоҳида тадқиқотни талаб этади. Тил системасидаги шундай сирли ва мураккаб ҳодисалардан бири фразеологизмлар ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида фразеологизм мавзуси кўпгина олимлар томонидан турли ёндашувлар асосида ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни лингвокультурологиянинг асосий бирлиги сифатида ўрганишга бағишланган тадқиқотлар мавжуд. Уларда фразеологизмларнинг семантик-структурвий ҳамда лингвомаданий таҳлиliga доир илмий-назарий фикрлар билдирилган ¹.

Кейинги йилларда фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини қиёсий аспектда ўрганишга доир бир қатор тадқиқотлар вужудга келди. Ўтган асрнинг 60-70-йилларида туркологияда, шунингдек, ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни қиёсий аспектда турли тизимдаги тиллар (рус ва туркман, қозоқ ва немис, туркман ва инглиз, ўзбек ва турк) доирасида олиб борилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Уларда

¹ Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 3-сон, 3-12 – бетлар; Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, 5-сон, 3-16-бетлар; Сафаров Ш. Семантик. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. 341 бет; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик тақлини. Д.Д. Тошкент, 2015. 240 бет; Ўша муаллиф. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Тошкент, Фан, 2013. 136 бет.

фразеологизмларнинг лексик-семантик хусусиятлари, грамматик структура жиҳатидан ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари қиёсланган².

Бироқ, фразеологизмларнинг лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигининг нисбатан янги соҳаларидан ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг лингвомаданий жиҳатларини кенгроқ ўрганиш долзарблик касб этади. Қолаверса мамлакатимизда чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётган вақтда турли тилларнинг лингвомаданий хусусиятларини она тилимиз билан ўзаро боғлиқ ҳолда, қиёсий-типологик асосда тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир тилнинг ўзига хос жиҳатлари уни иккинчи тил билан қиёслаш натижасида янада яққол намоён бўлади. Юқоридагиларни эътироф этган ҳолда, ушбу кичик мақоламизда турли системадаги тиллардаги фразеологизмларни лингвомаданий аспектда таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Ўзбек тили фраземаларининг миллий ўзига хослиги бевосита **ўзбек халқининг** ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маиший ҳаётини кўрсатиб бериш, топонимика, ўсимликлар дунёси, ҳайвонлар дунёси иштирок этишда, ўзбек халқига хос характер, хислатларнинг ифодаланишида, урф-одат ва маросимларнинг мавжудлигида ҳамда адабий-бадий тилда акс этади. Ўзбек тилида қуйидаги йўналишларда ўзбек тили фраземаларида миллийлик акс эттирилиши кузатилди.

Миллий кийимлар орқали: *бош омон бўлса, дўппи топилади; дўпписини осмонга отиб; бўзчи белбоққа ёлчимас; тўнини тесқари киймоқ; озик-овқат, таомлар номлари орқали:* *ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич; камбагалнинг оғзи ошга етганда бурни қонайди; аталадан чиққан суякдек; дошқозонда пишган ош хом бўлмас; шавла кетса кетсин-у, обрў кетмасин; ўзбекча исм компонентлар орқали:* *ақл Ҳасандир, одоб Ҳусандир; Али десанг, Вали дейди; Алиёр овга чиқди, кетидан говга чиқди; Бояги-бояги - Бойхўжанинг таёғи; ишини қилади Эшмат, лофни қилади Тошмат* каби иборалар шулар жумласидандир. **Урф-одатлар орқали:** *ошиқ ўйнаган озар, тўпиқ ўйнаган тўзар, ҳаммадан ҳам қўй боқиб, қўйруқ еган ўзар; ўтганнинг ўроғини – кетганнинг кетмонини олар; меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан; жой номлари иштирокида:* *Тошкентнинг таригини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади; тентакка Тўйтепа йўлми; ахмоққа Қува бир тош; гап десанг қоп-қоп, иш десанг Самарқанддан топ; Хонқалининг бойини, Хивалининг камбағалини билиб бўлмайди; атроф-муҳит хусусиятлари, чорвачилик, дехқончилик, бозор-ўчар орқали:* *лойдан ясаб офтобда қотирмоқ; от тепкисини от кўтаради; арава бузилса ўтин бўлар, қиз бузилса хотин; шошмаган арава қўёндан ўзибди; бир киши ариқ қазир, минг киши сув ичар; ит итга, ит қўйруғига буюрибди* каби³ ибораларда ҳам миллий-маданий хусусиятлар сезиларли даражада акс этган.

Француз тили ибораларида миллий-маданий хусусиятлар ўзига хос йўналишларда намоён бўлиши қуйидаги мисоллар орқали кузатилди: *Avec un «si» on mettrait Paris en bouteille* мақолида миллийлик «Париж» компоненти орқали ифодаланган. Маъноси, «*si*» сўзи ёрдамида Парижни шишага солиш мумкин». Шунингдек, *Paris n'est pas fait en un jour* мақолида Париж компоненти, *"Noël" au balcon - "Pâques" au tison* мақолида Noël ва Pâques

² Ганиева Ш.А. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш). НДА. Тошкент, 2009; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира. АКД. Ташкент, 1999;

³ Шавкат Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент. Ўқитувчи. 1978. 405 Б.

француз байрамлари, *On ne fait pas d'omelette sans casser des oeufs* – Тухумни синдирмасдан омлет тайёрлаб бўлмас иборасида омлет компоненти орқали миллийлик акс эттирилган.

Элзасликларда *La maladie arrive sur un cheval et s'en va sur un escargot* (Касаллик отда келиб, шиллик куртда кетади) ибораси ишлатилади. Аслида *La maladie vient à cheval et s'en retourne à pied* – яъни *Касаллик отда келиб, пиёда кетади* шаклидадир. Элзас вилояти «escargot» компонентида алмаштирилиб, миллийлик янада бўрттирилган⁴.

Всяк Еремей про себя разумей; Далеко кулику до Петрова дня; У чёрта на куличках; Не всё коту масленица, будет и великий пост; Хоть мошна пуста, да душа чиста; Каково погода в чистый четверг, таково и в вознесенье; У кого к чистому понедельнику скоромь в зубах навязнет тот чертей во снег видит; В одном кармане сочельник, в другом чистый понедельник каби иборалар орқали **рус миллатига** хос байрамлар, урф-одатлар орқали, *Чистый понедельник – катта пост* пайтидаги биринчи душанба ва *чистый четверг* эса Пасха байрамидан олдинги энг охирги (муборак) пайшанба кунлари билан боғлиқ тарзда юзага келган мақоллар орқали русларга хос миллий-маданий хусусиятлар намоён бўлиши кузатилди. Шунингдек, рус фразеологизмлари ўрмон, дала, одамларнинг хуторда (қишлоқ) яшаш тарзи, калин қордаги ов, рус қиш ҳавоси билан боғлиқ фразеологизмлар орқали ҳам миллий-маданий хусусиятлар намоён бўлади. Масалан, *болото без черта не бывает, растут как грибы после дождя, заблудиться в трех соснах, одного поля ягода, горький как полынь, глядит словно кот на сало, как сыр в масле, дым коромыслом, липнут как мухи на мед, куда ворон костей не заносил, как сельди в бочке* каби⁵.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фразеологизмлар француз, ўзбек ва рус тилларининг миллий-маданий хусусиятларини ифодаловчи энг муҳим омил эканлиги, яъни миллий-маданий хусусиятлар миллатнинг маданияти, дунёқараши, турмуш тарзи, урф-одат ва удумларини ёритувчи, этик ва эстетик меъёрларини ўзида акс эттирувчи восита эканлиги маълум бўлади.

Фраземаларнинг миллий ўзига хослиги бевосита халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаётини акс эттириб, уларга хос характер, хислатларнинг ифодалашади, топонимика, флора, фаунанинг иштирокида, миллатга хос урф-одат ҳамда маросимларнинг мавжудлигида ва шу халқларнинг адабий-бадий тилида намоён бўлиши каби томонларини ўзида жамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 3-сон; Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, 5-сон; Сафаров Ш. Семантик. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. Д.Д. Тошкент, 2015; Ўша муаллиф. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Тошкент, Фан, 2013.

⁴ Холмуродова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик ва идеографик талқини (лингвомаданий аспект). НДА. Тошкент, 2017; Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. ДДА. Тошкент, 2016.

⁵ Назаров О. О причинах фразеобразовательной активности соматизмов в русском туркменском языках. Вопросы лексики и фразеологии. Ашхабад, 1972; Долгополов Ю.А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков). АҚД. Казань, 1973.

2. Ганиева Ш.А. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш). НДА. Тошкент, 2009; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира. АҚД. Ташкент, 1999;
3. Шавкат Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент. Ўқитувчи. 1978.
4. Холмуродова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик ва идеографик талқини (лингвомаданий аспект). НДА. Тошкент, 2017; Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари. ДДА. Тошкент, 2016.
5. Назаров О. О причинах фразеобразовательной активности соматизмов в русском туркменском языках. Вопросы лексики и фразеологии. Ашхабад, 1972; Долгополов Ю.А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков). АҚД. Казань, 1973.